

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги  
қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган  
мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

*(2024 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида келиб тушган  
мурожаатлар таҳлили)*

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан 2024 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида **1503 та** мурожаат келиб тушган.

Мурожаатларнинг **1411 таси** (93,9%) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали, **23 таси** (1,5%) *ёзма*, **35 та** (2,3%) *оғзаки*, 34 таси эса бошқа манбалардан келиб тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **81,09%** ижобий ҳал этилган ёки ҳуқуқий маълумот бериш орқали қаноатлантирилган, **17,0%** мурожаатга умумий мазмундаги тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларнинг **24 таси** мурожаатга белгиланган муддатидан кечикиб, шундан **18 тасига** 30 кунлик муддатидан кечикиб жавоб берилган. **40 та** мурожаат (такрорий, аноним бўлганлиги ёки муаллифнинг қайта мурожаатига кўра) кўрмасдан қолдирилган.

**Мурожаатлар таснифи бўйича:**

Республика аҳолиси ва соҳа ходимларининг мурожаатларида охириги йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаган масалалар,

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик бўйича – 60%, булар:
  - санитария назорати билан боғлиқ,
  - СанҚваМга риоя этилмаслиги,
  - юқумли касалликлар профилактикаси боғлиқ (*ВГга эмлаш, бепул тиббий ёрдам*)
  - тиббий муассасаларнинг санитария ҳолатининг қониқарсизлиги тўғрисида,
  - ичимлик суви, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида.
2. Меҳнат муносабатлари – 15%, булар;
  - *иш ставкасининг камлиги,*
  - *ишдан ноқонуний бўшатирилганлиги, меҳнат шартномасини ходим билан келишмаган ҳолда бекор қилинганлиги*
  - *бошқа меҳнат низолари.*
3. Раҳбар ходимларининг ҳатти-ҳаракатидан норозилик – 5%.
3. Дезинфекция тадбирлари – 3%.
4. Тиббий муассасаларнинг фаолиятдан норозилик – 2%.

5. Бошқа масалалар (тадбиркорлик фаолияти, санитария-эпидемиологик хулосалар билан боғлиқ ва б.) 14%;

6. Мурожаат турларига киритилмаган аризалар 0,5% (соҳага оид таклифлар, миннатдорчилик ва ташаккурномалардан иборат).

Мурожаатлар бўлими бошлиғи  Н.Абдурахмонов

«09» 07. 2024й